

# НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ  
СОЛИҚЛАР  
БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

## Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

Тақдим этилаётган, шунингдек сўнги пайтда қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва [norma.uz](http://norma.uz), [nrm.uz](http://nrm.uz) сайтларида танишиб чиқишингиз мумкин.



## Импорт қилинадиган шакар божхона божи ва акциздан озод қилинди

Бу давлат раҳбари сайтида эълон қилинган Президентнинг 12.09.2017 йилдаги ПҚ-3269-сон қарорида кўзда тутилган.

2017 йил 15 сентябрдан эътиборан шакарқамиш, қанд лавлаги ва қаттиқ ҳолатдаги кимёвий жиҳатдан тоза сахароза учун қуйидагилар бўйича «ноль» ставка ўрнатилди:

1701 ТИФ ТН коди бўйича импорт божхона божи; 1701 91 00 ва 1701 99 ТИФ ТН кодлари бўйича акциз солиғи.

ДБКга импорт бўйича олиб келинадиган ижтимоий аҳамиятга эга товарларнинг ўз вақтида ва тўсқинликсиз божхона расмийлаштирувини таъминлаш топширилди.

## Ўзбекистонда инфляцияни таргетлаш жорий этилади

Президентнинг 13.09.2017 йилдаги ПҚ-3272-сон Пул-кредит сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирларига доир қарори имзоланди. Ҳужжат давлат раҳбарининг [president.uz](http://president.uz) сайтида жойлаштирилган.

Пул-кредит сиёсатининг мақсадларига эришишнинг принцип ва механизмлари ўрта муддатли истиқболда инфляцияни таргетлаш режимига қайта йўналтирилади.

**Маълумот учун:** инфляцияни таргетлаш — пул-кредит сиёсати режими бўлиб, нарх-наво барқарорлигига эришиш унинг пировард мақсади ҳисобланади.

Марказий банкка 1.03.2018 йилгача бўлган муддатда ўрта муддатли Пул-кредит сиёсатини ривожлантириш ва амалга ошириш концепцияси ҳамда Концепцияни 2018—2022 йилларда амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси»ни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш топширилди. Унда инфляцияни таргетлаш режимига бошқичма-бошқич, хусусан:

## 2017 йилнинг 5 сентябригача тузилган валюта битимлари билан қандай йўл тутилади?

Марказий банк мамлакатимиз ҳудудида чет эл валютасига товар (иш, хизмат)ларни сотиш амалиёти доирасида илгари амалга оширилган операциялар бўйича ўзаро ҳисоб-китобларни тартибга солишга тааллуқли вазиятга тушунтириш берди.

Маълумки, Президентнинг «Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони (2.09.2017 йилдаги ПФ-5177-сон) билан товар (иш ва хизмат)лар учун тўловларни

чет эл валютасида амалга ошириш тақиқланди (бундан халқаро амалиётга мувофиқ халқаро тўлов карталари воситасида тўловни амалга ошириш мустасно).

Юридик шахслар томонидан 2017 йилнинг 5 сентябригача қадар товар (иш, хизмат)лар чет эл валютасига сотилган ва мижозлар томонидан олинган товар (иш, хизмат)лар **ушбу санадан кейин қайтарилган ҳолатларда мижозлар ўз танловиغا кўра миллий ёки чет эл валютасида маблағлар қопланиши ҳуқуқига эга.**

Юридик шахслар товар (иш, хизмат)ларни сотиш-

хизматлари кўрсатишнинг ягона талаблари ва стандартлари тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

ХАБАРДОР БЎЛИНГ

## МБ пластик карточкалар бўйича тарифларни янгиледи

Марказий банк ва Ўзбекистон банклар ассоциацияси банклараро чакана тўлов тизимида мижозларга хизмат кўрсатишда сўм пластик карточкалари орқали ҳисоб-китобларни амалга оширишда банк ва нобанк кредит ташкилотлари учун амалдаги тавсиявий тарифлар режасига айрим ўзгартиш ва қўшимчаларни киритди.

Жорий этилган тариф режасига кўра, юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорларнинг тўлов терминаллари учун тўлайдиган ижара ҳақи илгари мос равишда 5 ва 2,5 еврогача эквивалентда ўрнатилган бўлса, эндиликда улар сўмга ўтказилиб, мос равишда 25 минг ва 15 минг сўм этиб белгиланди.

Илгари жисмоний шахсларга йўқотилган ёки шикастланган пластик карточкалари ўрнига янги сўм берилганда 5 евро эквивалентига, юридик ва яқка тартибдаги тадбиркорлардан эса 10 еврогача эквивалентда тўлов олинар эди. Эндиликда айни шу хизматлар учун жисмоний шахслардан 10 минг сўм, юридик ва яқка тартибдаги тадбиркорлардан 15 минг сўм ҳақ олиш тавсия этилди.

Юридик шахс ва яқка тартибдаги тадбиркор учун корпоратив пластик карточкани эмиссия қилишда тижорат банклари авваллари 5 еврогача эквивалентда ҳақ олар эди. Янги тавсияларга мувофиқ бу хизмат турига ўрнатилган тариф 15 минг сўм этиб белгиланди.

Жисмоний шахслар пластик карточкаларини (иш ҳақи, пенсия, нафақа, стипендия ва оилавий карточкалар) эмиссия қилиш, пластик карточкаларни блокировка қилиш (шу жумладан, «стоп-лист»га қўйиш ва чиқариш) каби хизматлар учун олдин бўлгани каби ҳақ олинмайди.

Манба: [cbu.uz](http://cbu.uz)

дан 5 сентябрга қадар чет эл валютасида даромад олган тақдирда тижорат банклари юридик шахслар ўртасида илгари тузилган шартномалар асосида ҳисоб-китобларга пул маблағларини тушириш ва ўтказишни амалга оширади. Масалан, агентлар ва суб-агентлар ўртасида авиабилетларни чет эл валютасига сотиш бўйича шартномалар шунга қиради.

Товар (иш, хизмат)ларни сотишдан тушган валюта тушуми тушган даврдан қатъи назар, 5 сентябрдан кейин мажбурий сотилмайди.

Юридик шахслар ўз валюта даромадларини (экспорт тушумини) ўз ихтиёрига кўра тасарруф этиш ва жорий халқаро тўловлар учун ҳеч қандай тўсқинликсиз улардан фойдаланиш, шунингдек зарур ҳолларда валюта бозорида ўзи хоҳлаган ҳажмда сотиш ҳуқуқига эга.

Эндиликда етказилган зарарларнинг сабаблари ва миқдорларига оид қўшимча ҳужжатларни суғурталовчи томонидан талаб қилиб олиниши учун белгиланган муддат чекланмайди. Илгари бу муддат суғурта шартномасида кўрсатилган воқеа содир

2-бетда

Ушбу сонда:

3-6-БЕТЛАР

7-БЕТ

8-БЕТ

Хусусий тиббий муассасалар ҳам бепул хизмат кўрсатади

Пенсионер ва пластик карточка: мавзуга доир иккита савол

«Чиройли рақам» оласизми? Аукционга марҳамат!

Марказий банкнинг валюта ва бошқа масалаларга доир тушунтиришлари

## Бизнесни суғурталаш стандартларида нима ўзгарди

**1-бетда** бўлганлиги тўғрисида хабарни ва ушбу воқеага алоқадор ҳужжатларни олгандан кейин 3 банк кунини ташкил этар эди.

Суғурта қилдирувчи томонидан тақдим этилган ҳужжатлар воқеани суғурта ҳодисаси деб тан олиш тўғрисида қарор қабул қилиш ва зарарнинг миқдорини аниқлаш учун етарли бўлмаган ҳолларда суғурталовчининг ҳаракатларига ҳам тузатишлар киритилди. Хусусан, у қуйидагиларга ҳақли:

содир бўлган воқеанинг тафсилотлари, суғурта қилдирувчининг ололмаган даромадларни (йўқотиш) сабаблари ва миқдорини эксперт баҳолаш учун мутахассисларни (экспертларни) жалб қилиш;

содир бўлган воқеанинг тафсилотларини ва зарарнинг миқдорини аниқлаш бўйича бошқа ҳаракатларни амалга ошириш.

Илгари суғурталовчи суғурта қилдирувчидан тушунтиришлар ва тегишли қўшимча ҳужжатларни

### НОРМАТИВ ЛОЙИХАЛАР

## Муқобил энергия манбаларидан фойдаланадиган фуқароларга солиқ имтиёзлари берилади

ҚХТБТ порталида Солиқ кодексининг 275 ва 290-моддаларига қўшимчалар киритилишини назарда тутувчи қонун лойиҳаси эълон қилинди.

Уй-жойларда амалдаги энергия ресурслари тармоқларидан тўлиқ узилган ҳолда муқобил энер-

гия манбаларидан фойдаланадиган жисмоний шахсларни мол-мулк солиғи ва ер солиғидан озод қилиш кўринишидаги имтиёзни киритиш таклиф этилмоқда.

Имтиёз муқобил энергия манбалари ўрнатилган ойдан бошлаб 3 йил муддатга тақдим этилади. Энергия таъминоти ташкилотларининг тегишли

## Улгуржи савдо: лицензия талаблари энгиллаштирилади

ҚХТБТ порталида Вазирлар Маҳкамасининг «Улгуржи савдо фаолиятини лицензиялаш тўғрисида низомага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори лойиҳаси муҳокама учун жойлаштирилди.

Улгуржи савдо корхоналари устав жамғармаси миқдорига талабларни ЭКИХнинг 3 500 бараваридан ЭКИХнинг 1 000 бараваригача, устав жамғармасини пул маблағлари билан шакллантириш қисмида

эса – ЭКИХнинг 1 200 бараваридан ЭКИХнинг 100 бараваригача қисқартириш таклиф қилинмоқда.

Устав жамғармасининг алоҳида миқдорига ва таркибига талабларни қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қиладиган корхоналарга татбиқ этмаслик таклиф қилинмоқда. Уларга юридик шахслар устав жамғармаси миқдорига умумий талаблар қўйилади. Масалан, «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Қонуннинг 14-моддасида уларнинг устав жамғармалари ками-

(бухгалтерия, банк ҳужжатларини ва бошқалар), жумладан, далолатномалар ҳамда аудиторлик ва баҳоловчи ташкилотларнинг ҳужжатлари ва хулосаларини сўрашга ҳақли эканлиги ҳам алоҳида белгиланган эди.

Низомага бошқа айрим тузатишлар ҳам киритилган.

Буйруқ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўпламининг 4.09.2017 йилдаги 35 (795)-сонида расман эълон қилинган кундан кучга кирди.

Олег Заманов, экспертимиш.



маълумотномаси имтиёзни қўллаш учун асос ҳисобланади.

да ЭКИХнинг 40 бараварини ташкил этиши белгиланган.

Шунингдек, лицензия олишда юридик шахс давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисида гувоҳномани тақдим этиш тўғрисидаги талаб ҳам бекор қилинади.

Лойиҳалар ўзгартирилиши, тўлдирилиши ёки рад этилиши мумкин.

Олег Заманов, Самир Латипов, экспертларимиш.

### Эълон ва реклама

## ЖАВОБ БЕРАМИЗ

лоийҳаси доирасида «СБХ» ва «Норма маслаҳатчи» газеталари комплекти обуначилари ҳамда «Norma» дастурий маҳсулотларидан фойдаланувчилар

**200-00-59** телефони орқали

(шаҳарлараро кўнгирақлар учун кодлар: уяли телефондан +99871, стационар телефондан 8371) солиқ солиши ва бухгалтерия масалалари юзасидан саволларига экспертларимиздан жавоб олишлари мумкин. Ҳафтанинг 5 кунли давомида соат 10.00 дан 17.00 гача. Тўшлик вақти соат 13.00 дан 14.00 гача.



## «КИЧИК КОРХОНА ЭЛЕКТРОН БУХГАЛТЕРИ»

Ўзбек тилидаги қўллашмасини тақдим этамиз

Тошкент ш. Миробод тумани, Талғунмаржон кўч., 1/1.  
Тел.: (998 71) 200-00-90.  
E-mail: office@norma.uz, web: www.norma.uz

### ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ СЎМГА НИСБАТАН ҚИЙМАТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2017 йил 19 сентябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:\*)

1 Австралия доллари .....	6484,60	1 Польша злотийси .....	2255,78
1 Англия фунт .....		1 СДР .....	11465,18
1 стерлинги .....	10979,72	1 Туркия лираси .....	2350,70
1 БАА дирҳами .....	2199,15	1 Швейцария франки .....	8414,92
1 АҚШ доллари .....	8077,48	1 ЕВРО .....	9646,13
1 Миср фунти .....	457,91	10 Жанубий Корея вони .....	7,17
1 Канада доллари .....	6630,67	10 Япония иенаси .....	72,68
1 Хитой юани .....	1233,69	1 Россия рубли .....	140,22
1 Малайзия ринггити .....	1931,03	1 Украина гривнаси .....	308,42

\*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маъмуриятини олимаган.

### МДҲ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

Мамлакат	Сана	АҚШ доллари		Евро		Россия рубли	
		бирлиги	курси	бирлиги	курси	бирлиги	курси
Озарбайжон	18.09.2017	1	1,7007	1	2,0309	1	0,0295
Арманистон	15.09.2017	1	478,39	1	571,25	1	8,31
Беларусь	18.09.2017	1	1,9390	1	2,3112	100	3,3713
Грузия	18.09.2017	1	2,4663	1	2,9467	100	4,2789
Қозоғистон	18.09.2017	1	338,9	1	404,61	1	5,89
Қирғизистон	19.09.2017	1	68,4297	1	81,7051	1	1,1875
Молдова	18.09.2017	1	17,6587	1	21,0994	1	0,3065
Россия	16.09.2017	1	57,5336	1	68,5801	—	—
Тожикистон	18.09.2017	1	8,8001	1	10,5188	1	0,1499
Туркменистон	18.09.2017	1	3,5000	1	4,1794	100	6,0742
Украина	18.09.2017	100	2 622,4386	100	3 137,2233	10	4,5581

Марказий (миллий) банкларнинг расмий сайтлари маълумотлари асосида.

### УШБУ СОНДА

#### • ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

– Янги ҳужжатларни тақдим этамиз  
**1-2-бетлар**

#### • НОРМАТИВ ЛОЙИХАЛАР

– Муқобил энергия манбаларидан фойдаланадиган фуқароларга солиқ имтиёзлари берилади  
– Улгуржи савдо: лицензия талаблари энгиллаштирилади

#### – Валюталар курси

#### • ПЕНСИЯ ИШИ

– Улкан хизматлари учун  
– Олий ҳарбий таълим муассасасида ишлаш учун пенсионерга ҳужжатлар пакети зарур  
– Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига қандай тиббий хизматлар кўрсатилади?

#### 2-бет

#### – Амалдаги талабларни ҳисобга олиб

– Бир йилдан ортиқ эмас  
– Она учун стаж  
– Бадаллар қайтарилмайди  
– Бир мавзуда иккита савол  
– Юзма-юз  
– Туланмаган пенсиянинг 6 хил жиҳати  
– Комиссиядаги экспертлар ҳузурига

#### 3-6-бетлар

#### • АВТОНОРМА

– Ҳар 2 йилда малака оширадиган  
– Дипломатик транспорт видеокамералар нишонни остида  
– Аукционда – «олтин» рақамлар  
• **ФОЙДАЛИ АХБОРОТ**  
– Банкдан чет эл валютасини харид қилиш ҳақида

#### 8-бет

Тахририят аноним хатларга муносабат билдирмасликка, қонун ҳужжатларида белгилангандан ташқари ҳолларда респондентнинг хоҳишига кўра у ҳақдаги ахборотни учинчи шахсларга бермасликка ҳақли.

«Норма маслаҳатчи» газетасида эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда қўлайтириш, тарқатишга фақат «NORMA» газеталари бirlashgan таҳририяти) МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йил қўйилади.

# ПЕНСИЯ ИШИ



Махсус мавзувий сон\*

Ушбу сон мавзуси қизиқарли ва турфа хилдир. Умуман олганда, ҳар доимгидек. Зеро унга сиз, ҳурматли ўқувчиларимизнинг саволлари асос бўлади. Уларга ЎзР МВ ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ижроия аппарати ҳамда Марказий банк мутахассислари жавоб берадилар.

Агар экспертларга саволингиз бўлса, уларни [norma.uz](http://norma.uz) сайтидаги «Жавоб берамиз» сервисига ёки газетамизнинг [gazeta@norma.uz](mailto:gazeta@norma.uz) ва [ntv@norma.uz](mailto:ntv@norma.uz) электрон манзилларига йўланг.

## Табриклаймиз!

### Улкан хизматлари учун

Республикамиз мустақиллигининг 26 йиллигини нишонлаш арафасида Президент Фармони билан юртдошларимиз Ватанимизнинг фахрий унвонлари ва юксак мукофотларига сазовор бўлдилар. Халқ ҳўжалигининг турли соҳаларидаги меҳнаткашлар, давлат хизматчилари орасида «Нуроний» жамғармасининг бутун мамлакатдаги ўнлаб раҳбарлари ва фаоллари ҳам бор. Шунингдек меҳнат фахрийлари ҳам орден ва медаллар билан тақдирландилар.

100 ёшни қоралаганлар «Шухрат» медали билан алоҳида тақдирландилар. Республикамизнинг ҳар бир вилоятида ана шундай узоқ умр кўрувчилар бор.

Тақдирланганлар орасида «Нуроний» жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими

раиси Рустам Абдукаримович Калонов ҳам бор. У «Дўстлик» орденига сазовор бўлди. У ўз фикр-мулоҳазалари ва кўнглидан кечирган ҳиссиётларини муҳбири-мизга сўзлаб берди.

— Ушбу мукофотни «Нуроний» жамғармасининг 11 та туман бўлими, 500 дан



## БУГУНГИ СОНДА:

АҲОЛИНИНГ  
ИЖТИМОЙ  
ҲИМОЯГА МУҲТОЖ  
ҚАТЛАМЛАРИГА  
ҚАНДАЙ ТИББИЙ  
ХИЗМАТЛАР  
КЎРСАТИЛАДИ?

Бепул – низом бўйича

3

БАДАЛЛАР  
ҚАЙТАРИЛМАЙДИ

Ишловчи  
пенсионернинг  
саволи

5

ТЎЛАНМАГАН  
ПЕНСИЯНИНГ 6 ХИЛ  
ЖИҲАТИ

Пенсионер вафот  
топса...

7

КОМИССИЯДАГИ  
ЭКСПЕРТЛАР  
ҲУЗУРИГА

Бун билган  
маъқул

8

## Маълумот учун!

Тошкентда 349 нафар Иккинчи жаҳон уруши фахрийси истиқомат қилади, шу жумладан уларнинг 116 нафари – аёллардир. Бундан ташқари, меҳнат фронтининг 3 305 та қатнашчиси, жанговар ҳаракатлар давомида ҳалок бўлганларнинг 22 та оиласи, Ленинград шаҳри қамалининг 35 та иштирокчиси ва фашистлар концлагерларининг 31 та собиқ тутқуни.

\*Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг ахборот кўмағида тайёрланди.

Мавзувий сонни муҳбиримиз Алла Ромашко олиб боради.

ортиқ бошланғич тузилмасини ўз ичига олувчи бутун шаҳар ташкилоти фаолиятига берилган баҳо сифатида қабул қилдим. Фахрийлар ҳақида ғамхўрлик қилиш, кексаларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш – нафақат устав мажбуриятларимиз, балки жамият олдидаги маънавий жавобгарлигимиз ҳамдир.

Бу кўтаринки сўзлар эмас. Чунончи, йил бошидан бери фахрийларимиз учун турли тadbирлар уюштирилди, 52 млн сўмдан ортиқ суммада ёрдам кўрсатилди. Ҳомий-

лар ва ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда тиббий мосламалар ва анжомлар – ногиронлар аравалари, эшитиш аппаратлари, қўлтиқтаёқлар, ногиронлар таёқлари ва бошқалар сотиб олиниб, топширилди. Бундан ташқари, уч нафар фахрийга сунъий кўз гавҳари бепул қўйилди.

Шаҳарда 327 нафар фахрий ва ёлғиз пенсионерларнинг уй ва квартиралари таъмирлаб берилди. Бунга «Нуруний» жамғармаси шаҳар бўлинимаси ва ҳомийларнинг 172 млн сўмдан ортиқ маблағлари сарфланди.

## Қонунчиликдаги янгиликлар

# Олий ҳарбий таълим муассасасида ишлаш учун пенсионерга ҳужжатлар пакети зарур

Мудофаа вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг қарори (АВ томонидан 24.07.2017 йилда 2901-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Ҳарбий хизматчилар орасидан пенсионерларни олий ҳарбий таълим муассасаларининг илмий ходимлари ва ўқитувчилари лавозимларига ишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Президентнинг «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг пенсионерларини ижтимоий муҳофаза қилишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони (17.02.2017 йилдаги ПФ-4960-сон) билан Қуролли Кучлар Академияси, олий ҳарбий таълим муассасаларида ўқитувчи ва илмий ходим сифатида меҳнат фаолиятини амалга оширадиган Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчилари тўлиқ пенсия олиш ҳуқуқига эга ишловчи пенсионерлар жумласига киритилган.

**Маълумот учун.** Қабул қилинган ҳужжат фақат Мудофаа вазирлигининг олий ҳарбий таълим муассасаларига (бундан кейин – ОХТМ) татбиқ этилади.

Тегишли маълумотга, касбий тайёргарликка ва юксак ахлоқий сифатларга эга бўлган пенсионерлар – Ўзбекистон фуқаролари ОХТМларда педагогик фаолият билан шугулланиши мумкин.

Илмий ходим ва ўқитувчи лавозимига ишга қабул қилиш танлов асосида амалга оширилади. Бунда илмий даража ва илмий унвонга ҳамда чуқур касбий билим ва тажрибага эга бўлган номзодларга устуллик берилади.

Танловда иштираш эhtiш хоҳишини билдирган пенсионерлар танлов эълон қилинган кундан эътиборан 1 ой муддат ичида қуйидаги ҳужжатларни топшириши лозим:

- ариза;
- паспорт нусхаси;
- пенсия гувоҳномаси нусхаси;
- Қуролли Кучлар резервидаги ҳарбий хизматчининг гувоҳномаси;



- белгиланган шаклда тўлдирилган сўровнома;
- таржимаи ҳол;
- олий маълумот тўғрисидаги дипломининг нусхаси;
- меҳнат дафтarchаси (мавжуд бўлса);
- тегишли илмий даражаси ҳақидаги дипломнинг нусхаси (мавжуд бўлса);
- тегишли илмий унвони ҳақидаги аттестатнинг нусхаси (мавжуд бўлса);
- илмий ишлар рўйхати (мавжуд бўлса);
- илмий ишлар ҳамда ихтироларга тегишли ҳужжатлар ёки бошқа муаллифлик ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхаси (мавжуд бўлса).

Ҳужжат Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўпламининг 31.07.2017 йилдаги 30 (790)-сонидан расман эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирган.

Маъзувий сонни муҳбиримиз Алла Ромашко олиб боради.

## Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига қандай тиббий хизматлар кўрсатилади?

Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлигининг қарори (АВ томонидан 11.08.2017 йилда 2911-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Солиқ имтиёзлари тақдим этилиши натижасида бўшайтиган маблағлар ҳисобидан хусусий тиббиёт муассасаларининг аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига бепул тиббий хизматлар кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.

**Маълумот учун.** Президентнинг «Соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий секторни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (1.04.2017 йилдаги ПҚ-2863-сон) мувофиқ, аҳолига пуллик тиббий хизматлар кўрсатадиган (стоматология ва косметология хизматларидан ташқари) хусусий тиббиёт муассасалари, шу жумладан хорижий инвесторлар иштирокидаги хусусий тиббиёт муассасалари 2022 йилнинг 1 январига барча турдаги солиқлар ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод этилган. Бунда бўшаган маблағлар ушбу муассасаларни замонавий тиббий, равиандислик-техник усуналар билан жиҳозлаш ва уларга сервис-техник хизмат кўрсатиш, тиббиёт мақсадлари учун эҳтиёт қисмлар, материаллар, инвентарь ва бошқа буюмлар харид қилиш, тиббий хизматлар кўрсатиш учун янги бинолар қуриш, мажбуриятларни реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, шунингдек аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига бепул тиббий хизматлар кўрсатишга йўналтирилиши лозим.

Белгиланишича, хусусий тиббиёт муассасалари аҳолининг қуйидаги ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига бепул тиббий хизматлар кўрсатади:

- ўзгаларнинг парваршишга муҳтож бўлган ёлғиз кексалар ва ёлғиз яшовчи кексалар;
- I ва II гуруҳ ногиронлари, ногирон болалар;
- муомалага лаёқатсиз ва муомала лаёқати чекланган фуқаролар;
- ижтимоий аҳамиятга молик касалликларга чалинган шахслар;
- етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар;
- 1941–1945 йиллардаги уруш ногиронлари ва қатнашчилари, шунингдек уларга тенглаштирилган шахслар;

➢ 1941–1945 йиллардаги уруш даврида меҳнат жабҳасининг қатнашчилари;

➢ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ижтимоий ҳимояга муҳтож деб топилган бошқа шахслар.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларга бепул тиббий хизматлар кўрсатиш учун уларнинг шахсини ва ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламга мансублигини тасдиқловчи ҳужжатларининг мавжудлиги асос бўлади.

Бепул тиббий хизматларнинг турлари ва ҳажми лицензияда кўрсатилган тиббий фаолият тури доирасида ташхис қўйиш ва даволаш имкониятларидан келиб чиққан ҳолда хусусий тиббиёт муассасалари томонидан мустақил равишда белгиланади.

Хусусий тиббиёт муассасалари томонидан ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларнинг бепул тиббий хизмат олиш бўйича мурожаатлари Соғлиқни сақлаш вазирлигининг расмий сайтыдаги махсус электрон базага мурожаат қилинган кунда мурожаат тувчиларнинг навбатини кўрсатган ҳолда он-лайн тизимида киритиб борилади. Шунингдек мурожаатлар хусусий тиббиёт муассасалари томонидан махсус журналда (қоғоз ёки электрон шаклда) қайд этиб борилади.

Жорий йилда кўрсатиладиган бепул тиббий хизматлар ҳажми ва сарфланадиган маблағлар миқдори олдинги йил якунлари бўйича солиқ имтиёзлари тақдим этилиши натижасида ҳақиқатда бўшаган жами маблағларнинг камиди 25%ини ташкил этиши лозим.

Хусусий тиббиёт муассасалари йиллик молиявий ҳисобот билан биргаликда солиқ имтиёзлари тақдим этилиши натижасида бўшайтиган маблағларни мақсадли сарф қилинганлигини тасдиқлаш учун Юридик шахсларга, солиқлар, божжона ва мажбурий тўловларни бюджетга тўлаш бўйича берилган имтиёзларни расмийлаштириш ва бухгалтерлик ҳисобида акс эттириш тартиби тўғрисидаги низомда (АВ томонидан 2.04.2005 йилда 1463-сон билан рўйхатдан ўтказилган) келтирилган шакл бўйича солиқ органларига ҳисобот тақдим этади.

Ҳужжат Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўпламининг 14.08.2017 йилдаги 32 (792)-сонидан расман эълон қилинган кундан эътиборан 3 ой ўтгач кучга кириди.

Моҳина Мирзаева, Сардор Жумашов,  
«Norma Online» экспертлари.



Маъзувий сонни муҳбиримиз Алла Ромашко олиб боради.

## Расмий жавоб

## Амалдаги талабларни ҳисобга олиб



*Амаким – пенсионер. У Ўзбекистонга доимий яшаш учун қайтиб келди. Пенсия сўраб мурожаат қилган Пенсия жамғармаси бўлимида кетгунига қадар олган пенсиясини ҳисобга олиб мўлжаллаганидан бирмунча кам пенсия ҳисоблаб ёздилар. Шу тўғриси?*

Насим Х. Тошкент ш.

– Бошқа давлатдан келган пенсионерларга, уларнинг бошқа давлатда пенсия олганлигидан қатъи назар, **пенсия миқдори** ҳисобга қабул қилиш тўғрисида **муурожаат қилинган вақтда амалда бўлган қонун ҳужжатлари та-**

**лабларига мувофиқ ҳисобланади** (Низомнинг 115-банди, ВМнинг 8.09.2011 йилдаги 252-сон қарорига 1-илова). Бу, сизнинг ҳолатда бўлгани каби, илгари Ўзбекистондан кетганларга ҳам тааллуқли.

## Бир йилдан ортиқ эмас



*Ўзбекистондан бир неча йилга бошқа мамлакатга кетмоқчиман. Эшитишимча, қайтганимдан сўнг илгаригидек 3 йил учун эмас, фақат бир йиллик олинмай қолган пенсиямни тўлашар экан. Шу ростми?*

Кравцова. Тошкент ш.

– Ҳақиқатан ҳам, пенсионерга ҳисоблаб чиқариб қўйилган, лекин унинг томонидан ўз вақтида талаб қилиб олинмаган пенсия пули пенсияни олиш мақсадида мууро-

жаат этилганидан олдинги **12 ойдан ошмаган давр** учун тўланади («Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг 59-моддаси).

## Она учун стаж



*Бола 3 ёшга тўлгунча уни парваришлаш даврларининг иш стажига киритилиши тартибини тушунириб берсангиз.*

Н.Арзумова. Тошкент ш.

– Бола 3 ёшга тўлгунча болани парваришлаш таътилларида бўлиш вақти, **лекин ҳаммасини жамлаганда кўпи билан 3 йил** иш стажига **қўшиб ҳисобланади** (Қонуннинг 37-моддаси «ж» банди).

**МИСОЛ.** 30 йиллик иш стажига эга ишловчи аёл шундан 8 йил давомда урта фарзандини парваришлаш таътилларида бўлган. Пенсия тайинлаш учун иш стажини ҳисоблаб чиқаришда унга умуман олганда 25 йил (30 – 8 + 3) қўшиб ҳисобланади.

Болани парваришлаш таътилларида бўлган даврлар Қонун 37-моддасининг «а»–«г» бандларида кўрсатиб ўтилган умумий иш стажига камиди 7 йил бўлган тақдирда иш стажига қўшиб ҳисобланади (Қонуннинг 37-моддаси 2-қисми).

Эслатиб ўтамиз, талаб этиладиган 7 йиллик иш стажига қўйидагилар киритилади:

а) фаолият тури, мулк ва ҳўжалик юритиш шаклларида қатъи назар, ходим давлат томонидан ижтимоий суғурталанган ҳолда бажарган ҳар қандай иш, агар у бюджетдан

ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўлаган бўлса;

б) ҳарбий хизмат ва партизан отрядлари ҳамда қўшилмаларида бўлиш, давлат хавфсизлиги органларида ва ички ишлар органларида хизмат қилиш;

в) идоравий бўйсунувидан қатъи назар, ҳарбийлаштирилган соқчиликдаги, махсус алоқа органлари ва тоғ-конкутқарув қисмларидаги хизмат;

г) яқка тартибдаги меҳнат фаолияти, шу жумладан яқка (гуруҳли) ижара шароитидаги ёки шахсий ёрдамчи, деҳқон (фермер) ҳўжалигидаги фаолият, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўланган тақдирда.

**7 йиллик стаж бўлмаган тақдирда** болани парваришлаш таътилларида бўлиш вақти иш стажига **қўшиб ҳисобланмайди**.

Бир вақтнинг ўзида шуни маълум қиламизки, Меҳнат кодексига мувофиқ аёлларга ҳомиладорлик муносабати билан ҳомиладорлик ва туғиш таътиллари (233-модда) ҳамда болани парваришлаш учун таътил (234-модда) берилади.

**Маъзувий сонни муҳбиримиз Алла Ромашко олиб боради.**

Аёлларга туққунга қадар 70 календарь кун ва туққанидан кейин 56 календарь кун (туғиш қийин кечган ёки икки ва ундан ортиқ бола туғилган ҳолларда – 70 календарь кун) муддати билан ҳомиладорлик ва туғиш таътиллари берилиб, давлат ижтимоий сугуртаси бўйича нафақа тўланади.

Ҳомиладорлик ва туғиш таътили тугаганидан кейин аёлнинг хоҳишига кўра, унга боласи 2 ёшга тўлгунга қадар болани парваришlash учун таътил берилиб, бу даврда

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда нафақа тўланади. Болани парваришlash учун таътиллр меҳнат стажига, лекин ҳаммасини жамлаганда кўпи билан 3 йил, шу жумладан мутахассислиги бўйича иш стажига ҳам қўшилади.

Бироқ МКнинг 233-моддасида **ҳомиладорлик ва туғиш таътили** меҳнат стажига қўшиб ҳисобланиши кераклиги кўрсатилмаган. Тегишинча, бу давр иш **стажи ҳисоб-ки-тобидан чиқариб ташланади.**

## Бадаллар қайтарилмайди

**?** *Мен ишловчи пенсионерман, пенсиямнинг ярмини оламан. Пенсия тайинлангандан кейинги иш даври учун Пенсия жамғармасига тўланган сугурта бадалларини қайтара оламанми?*

П.Кан. Тошкент ш.

– Маълумки, ҳар биримиз белгиланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашимиз шарт (*Солиқ кодексининг 6-моддаси*).

Жисмоний шахслар – Ўзбекистон фуқаролари, шунингдек бу ерда доимий равишда яшаб турган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига сугурта бадалларини тўловчилардир.

Сугурта бадалларини ҳисобlash ва ушлаб қолиш мажбурияти, шунингдек уларнинг тўғри ҳисобlab чиқарилиши учун жавобгарлик иш берувчи зиммасига юклатилади, бундан Солиқ кодексининг 311-моддасида назарда тутилган тартибга мувофиқ сугурта бадаллари тўловчи айрим тоифадаги жисмоний шахслар мустасно (*Солиқ кодексининг 305-моддаси*).

Солиқ кодексининг 172-моддасида кўрсатилган иш ҳақи тарзидаги даромадлар ягона ижтимоий тўловнинг ва сугурта бадалларининг солиқ солиш объектидир (*Солиқ кодексининг 306-моддаси*).

Ягона ижтимоий тўлов ва сугурта бадаллари ҳар ойда солиқ солинадиган базадан ҳамда белгиланган ставкалардан келиб чиққан ҳолда ҳисобlab чиқарилади (*Солиқ кодексининг 310-моддаси*).

Солиқлар деганда Солиқ кодексиде белгиланган, муайян миқдорларда ундириладиган, мунтазам, **қайтариб берилмайди** ва бегараз хусусиятга эга бўлган, бюджетга йўналтириладиган мажбурий пул тўловлари тушунилади (*Солиқ кодексининг 12-моддаси*).

Тегишинча, Пенсия жамғармасига тўланган сугурта бадаллари қайтарилмайди.

Зафаржон Хўжаев,

ЎзР МВ хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ижроия аппаратининг пенсияларни тайинlash ва фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш услубияти бўлими бошлиғи.

## Бир мавзуда иккита савол

«Норма маслаҳатчи» газетаси таҳририятига ўқувчимиз мурожаат қилди. У пенсиясини пластик карточкада олар экан. Унинг ёзишича, бу унинг учун шубҳасиз қулай хизмат. *«Илгари пенсия тўловларини пластик карточкада оладиган пенсионерларга счёт тўлдирилганлиги (жамғариладиган фоизлар) ҳақида смс-хабарлар келарди. Ҳозир бундай смс келмаяпти. Айни пайтда банклар ҳар ойда фоизлар тўламай қўйдиларми?»* – дея қизиқди у.

Шу мавзуда яна бир савол: *«Банкнинг ўзида нақд пулга айлантиришим мумкин бўлган пенсиянинг бир қисмини ҳозир нега кескин чекlab қўйишди? Банк ходимлари ҳаққими?»*.

Ушбу саволларни [tu.gov.uz](http://tu.gov.uz) портали орқали Марказий банкка йўлладик ва ЎзР Марказий банки раисининг ўринбосари Шерзод Хожизодаевдан ўз вақтида жавоб олдик.

**1** Президентнинг «Иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендияларни тўлаш механизмини такомиллаштиришга

доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига (2.02.2017 йилдаги ПҚ-2753-сон) мувофиқ, барча турдаги

Мавзувий сонни муҳбиримиз Алла Ромашко олиб боради.

пенсиялар бутун мамлакат ҳудудида ҳеч қандай чекловларсиз тўлиқ ҳажмда нақд шаклда берилади.

Шу билан бирга пенсиянинг бир қисмини пластик карталарга ўтказиш истагини ихтиёрий равишда билдирган фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бўлинмасига ёзма аризалари асосида уларга маблағлар ўтказилади. Шундан кейин бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бўлинмаси фуқароларнинг аризаларида кўрсатилган суммаларни банка ўтказиши.

Фуқаролик кодексининг 354-моддасига асосан фуқаролар ва юридик шахслар шартнома тузишда эркиндилар.

**2** Президентнинг «Банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб тизимини ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига (19.04.2010 йилдаги ПҚ-1325-сон) мувофиқ, Марказий банк ҳамда Ўзбекистон банклар ассоциацияси Банк ва нобанк кредит ташкилотлари сўмли банк пластик карточкалари орқали нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўлов тизимида мижозларга хизмат кўрсатишда рисоа этиши учун тарифлар режасини яна қайта қўриб чиқдилар ва тасдиқладилар, у 2017 йил 15 мартдан кучга кирди.

Ушбу Тарифлар режасига кўра банклар банк билан мижоз ўртасида тузилган шартнома асосида жисмоний

шахсларнинг картадаги счётлари қолдигига фоиз ҳисоблайдилар.

Бунда «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг 20 ва 28-моддаларига мувофиқ, Ўзбекистонда банклар банк операцияларини амалга оширишга доир қарорлар қабул қилишда мустақилдилар. Шунингдек банк операциялари бўйича фоиз ставкалари ва воситачилик ҳақи миқдори банклар томонидан мустақил белгиланади.

Ушбу Тарифлар режаси Марказий банкнинг **cbu.uz** расмий сайтыда жойлаштирилган.

Янги турдаги хизматларнинг жорий этилиши ва уларнинг пластик карталардан фойдаланувчиларга тақдим этилиши – давр талабларига кўра ўзгарувчи мунтазам жараён.

**3** Президентнинг «Банклардаги депозит ҳисобварақлардан нақд пул тўловларини узлуксиз таъминлаш кафолатлари тўғрисида»ги қарори (5.08.2005 йилдаги ПҚ-147-сон) талабларини бажара бориб, банклар аҳоли ва ҳўжалик юритувчи субъектларга уларнинг депозит ҳисобварақларида бўлган маблағлари доирасида, шу жумладан пластик карталаридан ҳам нақд пуллари бермоқдалар.

Аҳолининг нақд пулга бўлган эҳтиёжини қондириш учун тижорат банклари филиалларида зарурат доирасида нақд пуллари бериладиган касса терминаллари ўрнатилган.

## Бевосита мулоқот

# Юзма-юз

Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ижроия аппарати раҳбарияти пенсионерларнинг муаммоларини ҳал этишда амалий кўмак бериш учун уларни аниқлашга бағишланган пенсионерлар билан учрашувларни ўтказишда давом этмоқда.

Кейинги бир неча ойда Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Тошкент ва Сирдарё вилоятлари аҳолиси билан видеоконференцучрашувлар ўтказилди.

Хусусан, Пенсия жамғармаси бўлинмасида Қарши шаҳри ва Бойсун тумани аҳоли билан очиқ видеоконференцучрашувлар бўлиб ўтди. Йиғилганлар реал вақт режимида Пенсия жамғармаси раҳбариятига ўзларини ташвишлантираётган саволларни бериб, уларга жавоб олиш имконига эга бўлдилар. Шунингдек давлат пенсия таъминоти билан боғлиқ муаммоларини ҳал этдилар.

Кутилганидек, мулоқот пайтида пенсионерлар кўплаб муҳим саволларни бердилар.

Бир қанча фуқаролар архивлардан иш стаж ва маоши ҳақидаги маълумотномаларни олиш билан боғлиқ муаммоларни тилга олдилар. Пенсия жамғармаси раҳбарияти бевосита эфир орқали Пенсия жамғармаси ҳудудий бўлинмалари раҳбарларига пенсия тайинлаш учун зарур ҳужжатларни талаб қилиб олишда тезкорлик билан кўмак бериш вазифасини топширди.

Талаб этилаётган стаж етишмаслиги сабабли пенсияни расмийлаштириб бўлмадлиги устидан шикоятлар ҳам янгради. Пенсия жамғармаси ижроия директорининг ўринбосари ёшга доир пенсия тайинлаш тартиби ва зарур иш



стажи мавжудлигига доир қонун ҳужжатлари талабларини эслатиб ўтди. Бир вақтнинг ўзида тегишли Низом (ВМнинг 22.02.2016 йилдаги 46-сон қарорига 1-илова) асосида умумий иш стажини зарур даражага етказиш учун Пенсия жамғармасига сугурта бадалларини тўлаш тартиби, унинг мазмун-моҳияти тушунтирилди.

Маэзувий сонни мухбиримиз Алла Ромашко олиб боради.

Видеоконференция пайтида 50 дан ортиқ киши саволлар, эътирозлар ва таклифлар билан мурожаат қилди. Уларнинг 18 таси жойнинг ўзида ҳал этилди. 13 та шикоят тасдиқланди, натижада – айбдор шахсларга нисбатан интизомий жазолар қўлланди. 10 та ҳолатда фуқароларга кўмак бериш вазифаси топширилди, 5 та таклиф мутахассисларнинг қўриб чиқиши учун қабул қилинди, қолган фуқаролар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

Айрим ҳолларда мурожаат қилган фуқароларнинг муаммолари ижобий ҳал этилган. Бундай тамойил шу сингари учрашувларни ўтказиш зарурлигини тасдиқлайди. Хатларда ва Пенсия жамғармасининг ишонч телефонига кўнгироқлар орқали миннатдорчилик изҳор этилиши, шунингдек ушбу видеоконференцияда янтраган фуқароларнинг илқ сўзлари ва фикр-мулоҳазалари ҳам шундан далолат бермоқда.

Манба: [pfru.uz](http://pfru.uz).

## Нозик масала

# Тўланмаган пенсиянинг 6 хил жиҳати

Пенсионер вафот этганда пенсия олиш қоидалари ҳақида ЎЗР МВ ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ижроия аппаратининг пенсияларни тайинлаш ва фуқароларнинг мурожаатларини қўриб чиқиш услубияти бўлими бошлиғи Зафаржон ХУЖАЕВ сўзлаб беради.

– Пенсионер олиши лозим бўлган ва унинг вафоти муносабати билан олинмай қолган пенсия пули мерос таркибига киритилмасдан боқувчисини йўқотганлик пенсияси билан таъминланадиган шахслар доирасига кирувчи оила аъзоларига тўланади («Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг 2, 19-моддалари). Ота-онаси, эри (хотини), шунингдек пенсионер билан у вафот этган кунигача биргаликда яшаб турган оила аъзолари бу пулни, улар юқорида кўрсатилган шахслар доирасига кирмаганлари тақдирда ҳам олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Пенсионер вафот этган ой учун олинмай қолган пенсия пули кўрсатиб ўтилган оила аъзоларига **ойнинг у вафот топгунга қадар ўтган кунлари учун** тўланади.

Оиланинг бир неча аъзоси мурожаат этган тақдирда пенсиянинг уларга тегишли суммаси уларнинг ўртасида тенг тақсимланади.

Кўрсатиб ўтилган пуллар, уларни олиш учун пенсионер вафот этганидан кейин **60 кун** ичида мурожаат этилган тақдирда тўланади (Қонуннинг 63-моддаси).

Амалиётнинг кўрсатишича, олинмай қолган пенсияни тўлаш ҳоллари ҳар доим ҳам бир хил бўлавермайди.

**1. Пенсионер жорий ой учун пенсия олгандан кейин** вафот этди.

Бу ҳолда олинмай қолган пенсия пули мавжуд эмас, сабаби пенсионер тўлиқ миқдорда пенсия олишга улгурган. Тегишинча, Пенсия жамғармаси бўлимига қайтариладиган қандайдир сумма мавжуд эмас.

**2. Пенсионер жорий ой учун пенсия пулини олгунча** вафот этди.

Бу ҳолда олинмай қолган пенсия пули куйидагича **ҳисобланади:**

➢ тайинланган пенсия суммаси тегишли ойдаги календарь кунлар сонига бўлинади ва 1 кун учун тўлов суммаси аниқланади;

➢ 1 кун учун тўлов суммаси тўланиши керак бўлган ойдаги календарь кунларга (вафот этган кунни ҳам қўшган ҳолда) кўпайтирилади.

**Олинмай қолган пенсиянинг** ушбу ҳисобланган суммаси пенсионер билан у вафот этган кунигача биргаликда яшаб турган оила аъзоларига **тўланади.**

**3. Пенсионер пенсиясининг бир қисмини банк пластик картчасида, бир қисмини эса – нақд пулда** олар эди. Бунда вафот этган кун пенсиянинг бир қисмини банк картчасида олишга улгурди, нақд қисмини олишга эса улгурмади. Ушбу вазиятда банк картчасига ўтказилган пенсиянинг бир қисмига биринчи ҳолатдагидек қаралади – яъни олинган дёб ҳисобланади, **пенсиянинг нақд қисми эса иккинчи ҳолатдагига ўхшаш тартибда тўланади.**

**4. Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг (ВМнинг 8.09.2011 йилдаги 252-сон қарорига 1-илова) 171, 172-бандларига мувофиқ,** пенсионерга пенсия тўлаш тўхтаиб турилган эди. Бироқ у Пенсия жамғармаси бўлимига уни тиклаш



**Мавзуйи сонни муҳбиримиз Алла Ромашко олиб боради.**

учун мурожаат қилмаган. У вафот этган тақдирда **олинмай қолган пенсия бўлмайди**. Сабаби ўтган давр учун пенсия мавжуд эмас.

5. 252-сон Низомнинг 171, 172-бандларида назарда тутилган тартибда пенсионерга пенсия тўлаш тўхтатиб турилган эди. Пенсионер пенсияни, шу жумладан ўтган (бирок мурожаат этилганидан олдинги 12 ойдан ошмаган) давр учун пенсия пулини тўлашни тиклаш учун Пенсия жамғармаси бўлимига мурожаат қилган, бирок вафот этгани сабабли уларни олишга улгурмаган. Бу ҳолда **олинмай**

**қолган пенсия пули**, шу жумладан ўтган давр учун пенсия пули пенсионер билан у вафот этган кунигача биргаликда яшаб турган оила аъзоларига **тўланади**.

6. Пенсионер жорий ой учун пенсия **пулини олгунга қадар** вафот этди, бирок номаълум сабабларга кўра **пенсия** унинг оила аъзоларига тўланган. Бу ҳолда уни олган **оила аъзолари ушбу маблағларни** Пенсия жамғармаси бўлимига **қайтаришлари шарт**. Бунда Пенсия жамғармаси бўлими иккинчи ҳолатда кўрсатилган тартибда олинмай қолган пенсияни тўлайди.

## Буни билган маъқул

# Комиссиядаги экспертлар ҳузурига

Ногиронлик тўғрисида маълумотнома ногиронлик пенсиясини, шунингдек болаликдан ногиронларга нафақани тайинлаш учун асос ҳисобланади. Уни расмийлаштириш учун айрим қоидаларни билиш лозим.

Маълумотномани расмийлаштириш учун Молия вазирлиги ҳузурига туман (шаҳар), туманлараро ва ихтисослаштирилган тиббий-меҳнат эксперт комиссияларига мурожаат этилади. Туман (шаҳар), туманлараро ва ихтисослаштирилган ТМЭК мажлисида тиббий кўрик тўлиқ таркибда ўтказилади.

Шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш:

- шахсни тиббий кўриқдан ўтказиш;
- ТМЭКга йўлланмани (088/у шахлини), касаллик тарихидан кўчирмаларни, амбулатория картасини, шунингдек беморнинг бошқа ҳужжатларини ўрганиш йўли билан амалга оширилади.

ТМЭКга тиббий ва бошқа ҳужжатларни даволаш-профилактика муассасаси (ДПМ) даволаш-маслаҳат комиссиясининг раиси ёки маъсул шахси тақдим этади.

Ҳужжатларнинг тиббий кўриқдан ўтказилаётган ва бошқа шахслардан қабул қилинишига йўл қўйилмайди.

Тўлиқ расмийлаштирилмаган ҳужжатлар ТМЭКга қабул қилинмайди ва қайтарилмайди.

Тиббий кўрик натижалари бўйича ТМЭК қуйидаги хулосаларни чиқариши мумкин:

- ногиронлик гуруҳини аниқлаш, унинг сабаблари ва муддатлари тўғрисида;

- касбий меҳнат лаёқатининг йўқотилганлик даражаси тўғрисида;

- қўшимча равишда текшириш ҳамда клиник ташхисни аниқлаштириш учун тиббий кўриқдан ўтувчини бириктирилган даволаш-профилактика муассасаларига (ДПМ), Ногиронларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий марказига ҳамда ногиронлар учун минтақавий реабилитация марказларига юбориш тўғрисида;

- вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақаси муддатини узайтириш тўғрисида;

- протез-ортопедия буюмлари, ногиронлик аравачалари ва реабилитация қилишнинг бошқа ёрдамчи техник воситалари билан таъминлашга муҳтожлик тўғрисида;

- меҳнатга тавсия этиш, ногироннинг ўқитишга ёки қайта ўқитишга муҳтожлиги тўғрисида;

- ўзгалар парваришига муҳтожлик тўғрисида.

Мураккаб эксперт ҳолатларида беморлар ва ногиронлар клиник-эксперт ташхисини аниқлаштириш ёки тиббий-меҳнат экспертизаси масалаларини ҳал этиш учун бириктирилган ДПМларга, Ногиронларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий марказига ҳамда ногиронлар учун минтақавий реабилитация марказларига юборилади, уларнинг хулосалари тавсия ва маслаҳат тусига эга бўлади.

Ногиронлик навбатдаги қайта тиббий кўриқдан ўтказиш тайинланган навбатдаги ойнинг 1-кунигача белгиланади.



ЎЗГАРИШЛАР АРАФАСИДА

## Ҳар 2 йилда малака оширадилар

2018 йил 1 январдан бошлаб юридик шахсларга тегишли автотранспорт воситалари ҳайдовчилари зиммасига ана шундай мажбурият юкланади.

Вазирлар Маҳкамасининг «Иновацион ўқитиш услубларини жорий этиш йўли билан ҳайдовчиларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, шунингдек уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қароридан (4.09.2017 йилдаги 693-сон) шундай талаб назарда тутилган.

2018 йил 1 июлдан бошлаб эса ҳайдовчи малака ошириш курсларидан ўтганлиги ҳақидаги сертификат-сиз корпоратив автотранспортни бошқарганлиги учун маъмурий жавобгарлик жорий этилади. Шунингдек ушбу қоғдабузарлик лицензиянинг (лицензия қарточкаларининг) амал қилиши тўхтатиб турилишига ёхуд тўхтатилишига олиб келади.



Қарор самарали амалга оширилиши учун инновацион таълим технологияларидан фойдаланган ҳолда автомобиль ҳайдовчиларининг малакасини оширувчи «Avtotest 3.0» ўқув-услубий комплекси ишлаб чиқилди ҳамда курсантларнинг ўзлаштириш даражасини оширишга йўналтирилган таълимни мониторинг қилувчи ва режалаштирувчи комплекс автоматлаштирилган ахборот тизими жорий этилди.

Ўз ахборотимиз.

## Дипломатик транспорт видеокамералар нишони остида

ТИВ, ИИБ ва Олий суд Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинган хорижий давлатлар дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари, шунингдек уларга тенглаштирилган ташкилотлар ходимларига нисбатан йўл ҳаракати қондаларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик чораларини қўллаш ҳақидаги йўриқномага (АВ томонидан 13.03.2012 йилда 2338-сон билан рўйхатдан ўтказилган) тузатишлар устида ишламоқдалар.

Агар ЙХҚ бузилганлиги автоматлаштирилган видеокайд этиш тизими воситасида акс этган бўлса, дипломатик транспорт ҳайдовчиларини бунинг учун жавобгарликка тортиш тўғрисидаги нормаларни ҳужжатга киритиш таклиф этилмоқда.

Маъмурий ундирувни қўллаш тўғрисидаги қарор суд ёки бошқа ваколатли орган томонидан қабул қилиниши тартибига ҳам ўзгартиришлар киритилади. Бундан ташқари, дипкорпус вакилларига қулайлик яратиш мақсадида ЙХҚни бузганлик учун жарима тўлаш шакллари кенгайтириш режалаштирилмоқда.

ЎЗР ТИВ матбуот хизмати (mfa.uz) хабарига кўра.

АКТ – АМАЛДА

Ўзбекистон Республикаси товар-хом ашё биржасининг янги веб-сайтида оширилган тўлов ставкаси бўйича автотранспорт воситалари учун давлат рақами белгиларини сотиш бўйича дастлабки лотлар қўйилди. 2 иш куни ичида 500 дан ортиқ харидорлар рўйхатдан ўтказилди, 17 000 дан ортиқ фойдаланувчилар ташриф буюрди.

## Аукционда – «олтин» рақамлар

Биржанин янги электрон савдо майдончаси Вазирлар Маҳкамасининг «Автомобилларнинг воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва уларга рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларини бериш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорини (31.08.2017 йилдаги 683-сон) ижро этиш доирасида ишга туширилди.

Рақам белгисини Биржа орқали сотиб олиш механизми қандай ишлагани пойтахтимизда ўтказилган матбуот анжуманида намоиш этдилар.

3 хил нарх тоифасида тақдим этилган «чиройли» рақамларни амалда харид қилиш ҳеч қандай қийинчилик туғдирмайди. ЎзРТХБ савдо директори Азиз Абдуғаниевнинг таъкидлашича, avtoraqam.uzex.uz сайти жуда содда ва шаффоф қилиб ишлаб чиқилган, уни ҳар ким, ҳатто тажрибасиз интернет-фойдаланувчи ҳам ишлата олади. Унда сотувга қўйилган рақамлар, уларни қўйиш санаси, бошланғич қиймати билан танишиш, буюртмалар бор-йўқлигини ва лотнинг жорий нархи қанчаллигини, шунингдек уларнинг ҳар бири бўйича савдолар тугатиладиган сана ва вақтни билиб олиш мумкин.

– Тизимни ишлаб чиқиш чоғида Биржанин онлайн-аукционлар ўтказишдаги тажрибаси ҳам ҳисобга олинди, унда «охирги сонияда» ставкани оширувчи харидорлардан турли хил эътирозлар келиб тушар эди, – дея қўшимча қилди Азиз Абдуғаниев. – Шу сабабли ушбу майдончада савдолар тугатиладиган 10 дақиқа аввал ставка оширилган тақдирда уларнинг лот бўйича якунлашни автоматик равишда яна 10 дақиқага узайтирилади. Қўйилган дастлабки лотлар 19 сентябрда сотилади.

Сотиб олиш таомили қуйидаги босқичлардан таркиб топган:

- 1) ЎзРТХБ веб-сайтида рўйхатдан ўтиш ҳамда биржанин Ҳисоб-китоб-клиринг палатасига гаров пулини Woу-Wo тўлов тизими орқали тўлаш лозим. Харидорлар тўлайдиган гаров пули миқдори автарақам бошланғич нархининг 10%ини ташкил қилади;
- 2) аукционнинг avtoraqam.uzex.uz сайтида ўзига ёққан рақамни танлаб, унга ставка қилиш;
- 3) аукцион боришини реал вақт режимида кузатиш зарур. Дастлабки лотлар 12 кунга қўйилди. Бироқ келгусида автарақамлар бўйича савдоларни 3 кун давомида ўтказиш режалаштирилмоқда;
- 4) агар ставкангиз орқада қолдирилса, уни ошириш мумкин. Бунда биринчи тоифадаги (энг чиройли) рақамлар учун аукциондаги 1-қадам бошланғич нархнинг 3%ини, иккинчи ва учинчи тоифадагилари учун 1%ини ташкил этади;
- 5) аукцион ғолиби битим рўйхатдан ўтказилган пайтдан бошлаб 5 иш куни ичида молиявий мажбуриятларини қоплаши керак. Харидор бу талабни бажармаса, унинг гаров пули автоматик равишда жарима сифатида республика бюджетига ўтказиб юборилади. Биржа хизматлари учун воситачилик йўғими миқдори битим суммасининг 5%ини ташкил этди. Ушбу сумма битимни рўйхатдан ўтказиш пайтида харидордан ундирилади;
- 6) сотиб олинган рақамнинг ҳақи тўлиқ тўланган



пайтдан бошлаб 10 кун ичида уни ЙХҚБ бўлимида расмийлаштириш зарур. Харидорнинг айби билан ушбу муддатга риоя этилмаса, битим бекор қилинади. Унинг қийматининг 50%и жарима сифатида республика бюджетига ўтказиб юборилади, 50%и эса харидорга қайтарилади.

Онлайн-аукционда қатнашиш қоғоз ҳужжатлар айланмасини буткул истисно этади. Микоз аукционда ютиб чиқиб, ҳақ тўласа, яшаш жойидаги ЙХҚБ бўлимига келиб, паспортини тақдим этган ҳолда рақамни олиш ҳуқуқини изҳор қилишининг ўзи kifof. Бунда юридик ва жисмоний шахслар учун биржа аукцион механизми деярли бир хил.

Давлат рақами белгиларини сотувчилар – Ўзбекистон ИИБ ЙХҚБ бўлимида 100 га яқин автарақамларни сотувга қўйдилар, уларнинг сони кун сайин ошиб боради. Агар дастлабки кунларда фақат учинчи тоифадаги лотлар қўйилган ҳамда улар Тошкент ва пойтахт вилояти харидорларига мўлжалланган бўлса, келаси ҳафтадан бошлаб биринчи тоифадаги – «олтин» рақамлар қўйила бошлайди. Йил охиригача жами 18 000 тага яқин (ҳамма тоифадаги ва мамлакатимизнинг барча минтақалари учун) рақам белгиларини электрон савдога қўйиш режалаштирилмоқда.

– Аукцион савдоларига тайёрлаб бўлинган рақамларга қўйилмоқда, – деди анжуманда ИИБ ЙХҚБ матбуот хизмати раҳбари Акмал Юнусов. – Бинобарин, ғолиблар уларни олишда ҳеч қандай муаммага тўқнаш келмайдилар.

Айни пайтда «Avtoraqamlar» мобил иловаси ишлаб чиқилиб, ишга туширилди. Унинг ёрдамида буюртма бериш ҳам, аукцион боришини кузатиш ҳам мумкин бўлади. Яқин орада савдолар қатнашчиларига улар даъвогар бўлаётган лот бўйича янги ставкалар ҳақида хабарлар олиш имконини берувчи sms-хабар бериш хизмати ҳам ишга туширилади.

Саида Жонизоқова, «Norma Online» муҳбири.

Эълонлар

ХИЗМАТЛАР

Ташкилотлар учун компьютер ва маиший техникани ҳисобдан чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш. Тўлов – исталган шаклда. Тел.: 236-76-46, 233-74-95, 233-17-56.

Иш ҳужжатларини муқовалаш. Тел.: (+998 93) 556-61-31, (+998 90) 189-28-09.

Малакали адвокат. Тел.: (+998 97) 402-16-02.

Хизматлар лицензияланган.

## Банқдан чет эл валютасини харид қилиш ҳақида

Жисмоний шахслар томонидан чет эл валютасини харид қилиш билан боғлиқ сўровлар келиб тушаётгани муносабати билан республика Марказий банки қуйидагиларни маълум қилади.

### Жисмоний шахсларнинг чет эл валютасини харид қилиши

Фуқаролар тижорат банкларининг конверсия бўлимида нақдсиз кўринишда халқаро тўлов карталарига (конверсия) тушириб бериш орқали чет эл валютасини харид қилишлари мумкин.

Миллий валютадаги тўлов ҳам нақд, ҳам нақдсиз шаклда – банк тўлов карталари орқали амалга оширилади.

### Халқаро (конверсион) тўлов карталарининг ишлатилиши

Конверсион карталардан фақат хорижий давлатларда фойдаланиш мумкин. Банкоматлардан ҳеч қандай чекловларсиз нақд пул ечиб олиш, дўкон ва меҳмонхоналарда, тўлов картаси қабул қилинадиган барча жойларда карта орқали тўлов қилиш мумкин. Тўлов карталари барча давлатларда ишлатилиши мумкин, давлатлар бўйича чеклов ёки нақд хорижий валютани ечиб олиш бўйича лимит ўрнатилмаган. Шу ўринда хорижий банклар ўз банкоматларидан нақд пуллари ечиб олиш учун маълум бир лимит ўрнатиш амалиётидан ҳам фойдаланиши мумкинлигини эътиборга олиш зарур. Одатда бу лимит 1 та операцияга нисбатан жорий қилинган бўлиб, операциялар сонининг ўзи чекланмаган бўлади.

Шунингдек, картадаги валюта маблағларидан хорижда ўқиш ёки даволаниш учун талаб этиладиган ҳужжатлар (инвойслар) тақдим этилганида бевосита Ўзбекистондаги банкдан туриб тўловни амалга оширишда фойдаланиш мумкин.

Республика ҳудудида конверсион картадаги маблағларни жорий айирбошлаш курси бўйича фақат миллий валютада ечиб олиш мумкин.

### Халқаро тўлов карталарини очиш ва ишлатиш билан боғлиқ харажатлар

Тижорат банклари томонидан халқаро тўлов карталарини очиш ва ишлатиш учун қуйидаги комиссия ҳақлари олинади:

- картани очиш учун – 75 мингдан 100 минг сўмгача (бир марталик тўлов);
- картадан фойдаланиб тўловлар амалга оширилганда комиссия ҳақи – ҳар бир транзакция суммасининг 0,5%идан 1%гача бўлган миқдорда;
- чет элдаги банкоматлардан нақд хорижий валюта ечиб олиш – операция суммасининг 1% миқдорда.

Халқаро тўлов тизимлари операторлари (VISA, MasterCard ва бошқалар) талабларига кўра, банклар томонидан 35 доллардан 100 долларгача камайтирилмас қолдиқ (сугурта депозити) ўрнатилган

бўлиб, ундан мижоз фойдалана олмайди ва тўлов картаси ёпилганидан сўнг у мижозга қайтарилади. Ушбу сугурта депозити маблағлар ортиқча сарфланганида банк томонидан ишлатилади. Маблағларнинг ортиқча ишлатилиши курсларнинг ўзгариши ёки хорижий банк томонидан тўлов картаси бўйича операциялар амалга оширишда ўрнатилган комиссиядан ҳосил бўлиши мумкин.

### Хорижий валюта билан тўлдирилувчи халқаро тўлов карталари

Фуқаролар томонидан хорижий валюта билан тўлдирилувчи халқаро тўлов карталари мамлакатимиз ҳудудида чекловларсиз қабул қилинади. Бундай карталардаги маблағлар банк ёки банкоматлардан (карта эгасининг ихтиёрига кўра) хоҳ миллий валютада, хоҳ хорижий валютада, нақд кўринишда ечиб олиниши мумкин.

Бундай карталардан чет мамлакатларда ҳам, мамлакатимиз ҳудудида ҳам дўконлар, меҳмонхоналар ва картани тўловга қабул қилувчи терминал мавжуд ҳар қандай жойда ҳеч қандай чекловларсиз фойдаланиш мумкин.

### Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан халқаро тўлов карталарини очиш ва ундан фойдаланиш учун олинadиган тўловлар ҳақида маълумот

Банк	Картани очиш учун олинadиган комиссия	Картадан амалга оширилган тўлов учун олинadиган комиссия	Хорижий валютани ечиб олиш учун олинadиган комиссия	Картадаги минимал қолдиқ (сугурта депозити)
ТИФ Миллий банки	100 000 сўм	1%	1%	100 АҚШ доллари
Ўзсаноатқурилишбанк	100 000 сўм	1%	1%	100 АҚШ доллари
Агробанк	100 000 сўм	0,5%	1%	100 АҚШ доллари
Микрокредитбанк	100 000 сўм	1%	1%	100 АҚШ доллари
Халқ банки	100 000 сўм	1%	1%	100 АҚШ доллари
Қишлоқ қурилиш банк	100 000 сўм	1%	1%	100 АҚШ доллари
Туронбанк	100 000 сўм	1%	1%	50 АҚШ доллари
Hamkorbank	75 000 сўм	0,7%	1%	100 АҚШ доллари
Асакабанк	100 000 сўм	1%	1%	100 АҚШ доллари
Ипак Йўли банки	100 000 сўм	0,7%	1%	100 АҚШ доллари
UTBank	100 000 сўм	1%	1%	100 АҚШ доллари
Трастбанк	100 000 сўм	1%	1%	100 АҚШ доллари
Алоқабанк	100 000 сўм	0,5%	1%	100 АҚШ доллари
Ипотека-банк	100 000 сўм	1%	1%	100 АҚШ доллари
KDB Bank Uzbekistan	100 000 сўм	1%	1%	100 АҚШ доллари
Универсалбанк	100 000 сўм	1%	1%	50 АҚШ доллари
Капиталбанк	80 000 сўм	1%	1%	35 АҚШ доллари
Ravnaq-Bank	100 000 сўм	0,7%	1%	100 АҚШ доллари
Davr-Bank	100 000 сўм	0,5%	1%	100 АҚШ доллари
Invest Finance Bank	100 000 сўм	1%	1%	100 АҚШ доллари
Asia Alliance Bank	100 000 сўм	1%	1%	100 АҚШ доллари
Orient Finance Bank	100 000 сўм	1%	1%	100 АҚШ доллари
Hi-Tech Bank	100 000 сўм	1%	1%	50 АҚШ доллари
Savdogar Bank	100 000 сўм	1%	1%	50 АҚШ доллари

Манба: [cbu.uz](http://cbu.uz).

<p>Иккиқундалик ҳафталик газета</p> <h1>НОРМА МАСЛАХАТЧИ</h1> <p>ХУКУҚ СОЛИКЛАР БУХГАЛТЕРИЯ</p> <p>ТАЪСИСЧИ «Norma Hamkor» МЧЖ</p> <p>Газета 2006 йил 26 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди. Рўйхат рақами 0074. Ҳафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.</p>	<p>Бош муҳаррир <b>Фарҳод Собирович ҚУРБОНБОЕВ</b></p> <p>Нашир учун масъул – бош муҳаррир ўринбосари, масъул котиб <b>Нодир Носирович АЛИМОВ</b></p>	<p>Адабий муҳаррир <b>Зулфия Саидмуратовна РАҲИМБЕКОВА</b></p> <p>Саҳифаловчи <b>Наталья БАРАНОВА</b></p>	<p>ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ: 100105, Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1, Тахририят тел. 200-00-90 Обуна бўлими тел. 200-00-30 E-mail: <a href="mailto:sbx@norma.uz">sbx@norma.uz</a>, <a href="mailto:gazeta@norma.uz">gazeta@norma.uz</a>, web: <a href="http://norma.uz">norma.uz</a></p>	<p>Обуна, газеталар, китоблар, газеталарнинг электрон версияларини етказиб бериш ва харид қилиш масалалари бўйича 200-00-30; «Norma» АҚТ бўйича – 200-00-90; Рекламини жойлаштириш бўйича 283-32-31, 283-36-32 телефон рақамларига мурожаат қилиш мумкин.</p>
--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------

Газета ношир – «ТОПРИНТ» МЧЖнинг компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.  
Нашир ҳўрратчиси – 186. Қўғоз бېғимин – А3. Ҳажми – 2 босма табоқ. Боҳоси келишилган нарҳда.  
Бўғирма 1146. Адади 1 095. Газета 2017 йил 18 сентябрь соат 18.00 да топширилди.